Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 85 (5676).
11 АПРЕЛЬ 1986 й.
ПАНШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ХАЛҚ ЖАСОРАТИ МАНГУ БАРҲАЁТ

Фашизмни тор-мор этган, Европа мамлакатларини гитлерчилар асоратидан озод қилган, жаҳон цивилизациясини қутқариб қолган совет халқининг жасорати асрлар бўйи сўнмайди. Ҳаётга қадам қўяётган авлодлар Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларига тенглашишга ҳаракат қилиб, уларнинг намунаси асосида гражданлик, ватанпарварлик, Ленин партиясининг ишига астойдил содиқлик мактабидан ўтмоқдалар. Бунда эса халқнинг тарих ҳотираси яшаб келаётган Совет бадиий маданияти бебаҳо роль ўйнайди.

Совет кишилари каби ижодкор зиёлилар ҳам КПСС Марказий Комитети 1985 йил март Пленуми қарорларини қизғин маъқуллаб қолмадилар, КПСС XXVII съездини коммунизм бинокори — совет кишисига муносиб янги илҳомбахш асарлар билан кутиб олишга азму қарор бергандирлар. СССР ижодий союзлари правлениелари ҳамда ташкилотларининг Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган қўшма пленуми буни яққол тасдиқлади. Пленум 10 апрель куни Москвада бўлди.

Йиғилиш аҳли **М. С. Горбачев, Г. А .Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, В. М. Чебриков, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, К. В. Русаков, Н. И. Рижков** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олди.

Пленумни СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. Марков очди.

Биз совет халқининг буюк байрами арафасида турибмиз, деди у, ҳамиша бўлганидек, бугун ҳам биз ўзимизнинг илк сўзимизни жонажон Коммунистик партияга бағишлаймиз. Коммунистик партия бизни тарихнинг барча бўронлари ва довонлари оша буюк мақсад — коммунизм сари бошлаб борди ва ҳамон бошлаб бормоқда. Шу боисдан ҳам унинг турмушида содир бўладиган ҳамма нарса биз, адабиёт ва санъат ходимлари учун азиз ва яқиндир. КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари яқдиллик билан маъқулланганлиги партия билан халқ яқдиллигини, совет кишилари жуда қисқа вақт ичида Ватанимизнинг қудратини янада юксакроқ кўтаришга, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашга, турмушимизнинг барча бўғинларига социалистик нормаларни активроқ жорий этишга жуда зўр азму қарор берганликларини янги куч билан намойиш қилди. Бундан буёнги муваффақиятларимизнинг гарови мана шундадир. Биз ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари юксак лавозимига сайланганлигини астойдил қўллаб-қувватлаймиз.

Биз ўз байрамимизни мураккаб халқаро вазиятда кутиб олмоқдамиз, деб давом қилди нотиқ. АҚШнинг ҳукмрон доиралари, НАТО агрессив блоки мудҳиш мақсадини — ҳар қандай қилиб бўлса ҳам давлатимиз ва унинг иттифоқчиларидан ҳарбий устунликка эришиш мақсадини олдиларига қўймоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми партия тинчлик ва тинч-тотув яшаш йўлига амал қилишга азму қарор берганлигини яна бир бор тасдиқлади. Ўртоқ М. С. Горбачев Пленумда сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек, айни вақтда биз Ватанимиз билан унинг иттифоқчилари манфаатларидан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Социализм дунёси енгилмасдир — бу иккинчи жаҳон урушининг асосий якуни. Бизнинг қатъий ишончимиз мана шундай, тарих ҳақиқати мана шундай.

Г .Марков кўп миллатли совет адабиёти ва санъати арбоблари совет жамияти маънавий хазинасини тўлдирган талайгина асарлар яратганликларини қайд этиб ўтди. Бугунги кунда Коммунистик бунёдкорликнинг олдинги маррасида бўлиш, ленинчи партиямизга, қаҳрамон халқимизга садоқат ва фидокорлик билан хизмат қилиш — Буюк Ғалабамиз порлоқ кунини нишонлашнинг энг яхши усулидир.

Совет халқи эришиш учун курашаётган барча нарсаларни совет маданияти усталари чин қалбдан маъқуллаб, ўз ижодида акс эттирмоқдалар. Пленум қатнашчиларининг нутқларида Советлар мамлакати турмушининг манзараси, унинг бепоён кенгликларида ҳукм сураётган жўшқин бунёдкорлик маромини намоён бўлди.

Ҳозирги вақтда ҳотира бунёдкорлик кучи бўлиб қолмоқда, деб таъкидлади ленинградлик актёр К. Лавров. Улуғ Ватан урушининг «кунлари ва тунлари» тўғрисидаги хотира-халқнинг барҳаётлиги, унинг шоншуҳрати, маънавий бойлиги ва обрў-эътиборидир.

Ғалаба дўстлик ва интернационал қардошликнинг буюк кучи билан жипслашган совет халқи маънавий жиҳатдан қудратли эканлигини абадул-абад исботлади. В. Коротич (Украина), Р. Адомайтис (Литва), М. Карим (Бошқирдистон), Е. Дога (Молдавия) ва бошқа нотиқларнинг нутқларида ана шу фикр янгради.

«Литературная газета»нинг бош редактори А. Чаковский ўз нутқида партиямиз, унинг Марказий Комитети, Совет ҳукумати халқ қалб кайфиятини ҳис этиб, англаб Ғалаба куни асрларга татийдигам чинакам тарихий тантана бўлиб қолиши учун ҳамма ишни қилдилар, деб айтди.

Адабиёт ва санъатда умумхалқ жўшқинлиги муҳити юксак ғоявийлик руҳи билан йўғрилган ватанпарварлик мавзуидаги янги асарлар пайдо бўлишига кўмаклашди.

В. Карпов (Москва) Улуғ Ватан урушининг адабий солномаси қандай яратилганлиги ва у меҳнат зафарлари солномасида қандай давом эттирилаётганлиги тўғрисида гапириб берди.

Совет бадиий маданиятининг халқаро обрў-эътибори юксак савияда ишончли бўлиб бормоқда. У буржуа идеологиясига қарши муросасиз курашда реализмнинг юксак маънавий ва ахлоқий мазмунини, совет санъатининг интернационал руҳини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда. Ҳозирги дунёда санъаткорнинг тутган активпозицияси — нотиқлар ўз нутқларида талқин қилган асосий мавзулардан биридир. Совет адабиёти ва санъати арбоблари ўзларини партиянинг илғор зарбдор отряди деб ҳисоблаб, ўз ижодлари билан турмушдаги салбий жиҳатларга қарши, обивателлик кайфиятларига, беҳуда мешчанларча молпарастликка қарши муросасиз кураш олиб боришдан иборат ўртага қўйилган вазифаларни тезроқ бажариш учун кўмаклашишга интилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорлари диққат-эътиборни ана шуларга қаратмоқда.

Совет санъатини ривожлантириш масалалари ривожланган социализм жамиятини янада такомиллаштириш проблемалари билан яқиндан ва бевосита боғлангандир. А. Полянский, С. Ткачев (Москва), С. Қурбонов (Тожикистон) ва бошқа кишиларнинг нутқлари ана шу мавзуга бағишланди. Мамлакатнинг социал-иқтисодий ўсишини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини ўзгартириш, ижтимоий муносабатлар системасини такомиллаштириш, деб уқтиришди улар, партиянинг ҳозирги вақтдаги стратегик йўлидир.

Жанговар ва меҳнат анъаналарини авлоддан-авлодга топшириш — санъат зиммасидаги давлат аҳамиятига молик масъулиятли ишлардан биридир. О. Сулейменов (Қозоғистон), М. Царев, Н. Пономарев, И. Стаднюк (Москва), И. Лученок (Белоруссия) нутқларида ана шу фикр уқтириб ўтилди.

Биз Ғалабанинг 40 йиллигига ғоят катта аҳамият берар эканмиз, бу санага тарих нуқтаи-назаридангина эмас, шу билан бирга ҳозирги ва келгуси даврлар нуқтаи назаридан ҳам қарамоқдамиз, деб таъкидлади В. Афанасьев (Москва). Инсоният ўз тарихида бурилиш палласини бошидан кечирмоқда. Инсониятнинг келажаги ҳозир унинг олдида турган каттакатта вазифалар, аввало ядро уруши хавфини бартараф этиш, космик фазонинг ҳарбийлаштирилиши олдини олиш, жаҳоншумул иқтисодий ва экологик проблемаларни ҳал этиш учун халқларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш каби вазифаларнинг бажарилишига боғлиқдир. Ана шу вазифаларни ҳал этишга ҳар жиҳатдан кўмаклашиш, тинчликни сақлаб қолиш учун, қуролсизланиш учун ғоят активв қураш олиб бориш — Совет маданияти барча арбобларининг энг биринчи вазифасидир, деб таъкидланди пленумда.

СССР Композиторлар союзи правленисининг биринчи секретари Т. Хренников умумхалқ байрами — Улуғ Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида қўй миллатли Совет маданияти эришган ютуқлар тўғрисидаги самарали, чуқур манфаатдорлик билан қилинган фикрлашувларга якун ясади.

Совет бадиий зиёлилари, деди у, янги инсонни тарбиялаш ва баркамол қилиш ишида, унинг тинчлик учун, халқлар фаровонлиги ва бахт-саодати учун тинимсиз курашида партиянинг ёрдамчиси бўлишни ўзларининг олий бурчи, деб биладилар.

Қўшма пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига баланд руҳ билан табрикнома йўлладилар.

(ТАСС).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми қатнашчилари айтган таклифлар, илтимослар ва танқидий мулоҳазаларни кўриб чиқди. Партия комитетларига, Госпланга, министрликлар ва идораларга тегишли топшириқлар берилди, шу топшириқларнинг амалга оширилиши устидан контроллик ўрнатилди.

Республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари партия ташкилотларининг станоклардан фойдаланишни яхшилаш соҳасидаги иши муҳокама қилинди. Область, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига сменалар коэффициентини ошириш ва жами асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришга жалб этиш юзасидан планда белгиланган топшириқларнинг сўзсиз бажарилиши устидан хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанликни кучайтириш, иш жойларини аттестациядан ўтказиш ва оқилона ташкил этиш, турдош касбларни эгаллаб олган ва кўп станокларда ишлашга ўтаётган, иссиқ цехларда ишлаётган ходимларни маънавий ҳамда моддий рағбатлантириш устидан контроллик ўрнатиш таклиф қилинди.

Касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, раҳбарларнинг диққат-эътибори меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини ошириш, қадрларнинг ўрнашиб қоли шига эришиш ва уларнинг қўнимсизлигини қисқартириш, янги техникани жорий этиш, сермеҳнат жараёнларни механизациялаш, кечки сменаларда унумли ишлаш учун корхона меҳнатчиларига дурust социал-маиший шароитларни яратиб бериш зарурлигига қаратилди.

Марказий Комитет Бюроси Қорақалпоғистон АССРда социалистик мулкни ўғирлашга, порахўрлик ва чайқовчиликка қарши кураш қандай бораётганлиги масаласини кўриб чиқди. Область партия ташкилотидан, автоном республиканинг совет ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларидан, министрликлари ва идораларидан салбий ҳодисаларни батамом тугатиш соҳасидаги фаолиятни кучайтириш, бу фаолиятни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини бажариш, партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилаш, уларнинг халқ мулки сақланиши учун масъулиятини ошириш соҳасидаги тадбирлар билан узвий равишда қўшиб олиб бориш талаб қилинди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, министрликлари ва идораларига, айниқса, халқ хўжалигининг қуйи бўғинларида давлат ҳисоботини қатъий йўлга қўйишни таъминлаш, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликни тугатиш, ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан, хом ашё ва материалларни ишлатиш устидан контроллиқни кучайтириш, хўжасизликка, исрофгарчиликка, ғаразли жиноятларга имкон берадиган сабаблар ва шароитларни сабот билан тугатиш таклиф қилинди. Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари коммунистик ахлоқ ва совет ҳуқуқи нормаларини бузувчилар теварагида принципиал жамоат фикрини вужудга келтиришлари керак. Салбий ҳодисаларга қарши курашда меҳнат коллективларининг ролини ошириш, ишчи контролидан, халқ дружиналаридан, оператив комсомол отрядлари, ўртоқлик судларидан активроқ фойдаланиш лозим.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги партия бюросининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосида қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликка қарши курашни кучайтириш учун аппарат коммунистларининг масъулиятини ошириш тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Марказий Комитет Бюроси Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги партия бюросининг ишини қониқарсиз деб топди. Партия бюроси тармоқни ривожлантиришнинг актуал масалаларини ҳал этиш чоғида коллегиянинг фаолиятига, министрлик коллективида ишчанлик вазиятини вужудга келтиришга дурust таъсир ўтказмаяпти. Партия бюроси аппарат ишининг натижаларига баҳо беришда, коммунистларнинг шахсий ишларини кўриб чиқиш чоғида пайт пойлаш позициясида турибди. Партия ташкилотида партия ва ҳукуматнинг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш масалаларига оид директивалари, ўз қарорлари бажарилиши устидан дурust контроллик ўрнатилмаган. Министрликда давлатни алдаш, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик ҳоллари учун айбдор бўлган кишиларни жавобгарликка тортишда қатъият кўрсатилмаяпти.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг партия бюросига ўз ишини танқидий тарзда қайта кўриб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорлари министрлик коммунистлари, барча ходимларининг фаолиятида асосий йўл-йўриқ бўлиб қолишига эришиш топширилди. Партия қарорларини турмушга татбиқ этишда актив иштирок этиш учун коммунистларга нисбатан талабчанликни ошириш, партия йиғилишларининг сафарбар этувчилик ва тарбиявий ролидан тўлиқроқ фойдаланиш, қабул этилган қарорларни бажаришда жанговарлик позициясини таъминлаш зарур. Аппарат ишни устидан контроллик қилувчи комиссиянинг, шунингдек халқ контроли группасининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг самарали ишлашига эришиш лозим.

Министрлик раҳбарларига тармоқдаги салбий ҳодисаларни тугатишга бутун куч-ғайратни қаратиш, барча ходимларни халқ хўжалик планини сўзсиз бажаришга, маиший хизмат ҳажмлари ва сифатини ҳар томонлама оширишга, корхоналарда ва аппаратда интизомни мустаҳкамлашга, муносиб тартиб ўрнатишга сафарбар қилиш таклиф этилди. Ҳалол меҳнат қилишни ҳоҳламайдиган, давлатни алдайдиган, порахўрлик билан шуғулланадиган шахслардан қатъиян халос бўлиш зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ер, сув ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида совхозларни йириклаштириш ҳамда янги совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон ССР корхоналарида пойабзал ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, унинг сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш ҳамда пойабзал савдосини такомиллаштириш юзасидан 1985-1990 йилларга мўлжалланган тадбирлар тасдиқланди. Янги корхоналар қуриш ва ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ҳисобига пойабзал ишлаб чиқариш 1990 йилга борib 51,6 миллион жуфт миқдорида кўпайтирилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида КПСС иқтисодий ва социал снёсатини амалга оширишнинг, партия ташкилотлари ташкилотчилик ва снёсий ишининг бошқа бир қанча масалалари муҳокама қилинди.

КПСС XXVII съезди ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига

• *ЙИЛЛИК ПЛАН—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ*

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ ОДИМИ

Шаҳар саноат корхоналари коллективлари партиянинг XXVII съездини, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш, 1985 йил ва бутун беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, асосий халқ хўжалиги буюмларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича 1985 йилнинг январь-март ойлари давлат планини муваффақиятли бажардилар.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси маълумотларига қараганда, шаҳар индустрияси саноат маҳсулотини реализация қилиш бўйича уч ойлик планни 101,6 процент, товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 100,7 процент адо этди. Меҳнат унумдорлиги бўйича план 0,6 процентга ортиғи билан адо этилди. Бунинг эвазига қўшимча 6,3 миллион сўмлик товар маҳсулот олинди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати 103,6 процентни ташкил этди, меҳнат унумдорлиги 1984 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 2,8 процент ўсди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг меҳнат унумдорлигини юксалтиришга ҳиссасига ўсиши 80,6 процентни ташкил этди. Бироқ маҳсулот тоннархи бўйича 2.363 минг сўмлик пландан ташқари сарфга йўл қўйилди. Маҳсулот реализация қилиш бўйича план маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилишини ҳисобга олган ҳолда, 97,6 процент бажарилди.

Товар маҳсулотини реализация қилиш бўйича квартал топшириғини шаҳарнинг барча районлари, корхоналари бажарди. Ленин, Куйбишев, Чилонзор ва Сергели районлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишида энг юксак суръатларга эришдилар.

1985 йилнинг январь-март ойларида Тошкент саноати планга қўшимча 15 миллион 275 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Шу жумладан, Акмал Икромов район 597 минг сўмлик, Куйбишев район 100,7 минг сўмлик, Куйбишев район 994 минг сўмлик, Ленин район 2098 минг сўмлик, Октябрь район 1685 минг сўмлик, Собир Раҳимов район 1178 минг сўмлик, Сергели район 1193 минг сўмлик, Фрунзе район 694 минг сўмлик, Ҳамза район 4,954 минг сўмлик, Чилонзор район 705 минг сўмлик планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқардилар ва реализация қилдилар.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда қуйидаги корхоналар юксак суръатларга эришдилар:

— «Узбексельмаш» бирлашмаси «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбекпроектмебель», Тошкент мармар, «Матбуот» полиграфия бирлашмалари;

— «Миконд», Октябрь революцияси номли тепловоз-пеонт заводлари, химия-фармацевтика, «Средазгазавтоматика», ошхона ва бошқа мебеллар заводлари;

— Бош кийимлар, Тошкент ўйинчоқлар, тамаки фабрикалари;

— Булка-кондитер, 4-йирик панелли уйсозлик, 4-уйсозлик комбинатлари.

Шаҳар индустрияси шу йилнинг январь-март ойларида мамлакат халқ хўжалигига планга қўшимча 32 километр шланг, 31 километр узунликда сигнал блокировка симлари, 1 та компрессор, 7 трактор, 1 та электр кўприк кран, 23 пахта териш комбайни, 16 чигит экиш сеялкаси, 50 тонна қоғоз, 90 мингта ички ва устки трикотаж буюмлари, 10 мингта чўлки-носки буюмлари; 40 минг жуфт пойафзал, 3657 тонна омухта ем, 156 тонна макарон буюмлари, 48 тонна ўсимлик ёғи, 231 тонна маргарин етказиб берди.

Шаҳарнинг кўпгина бирлашмалари ва корхоналари шартнома мажбуриятларини бажара бориб, муҳим халқ хўжалиги буюмларини ишлаб чиқариш ва буюртмачиларга етказиб бериш бўйича квартал топшириғини муваффақиятли адо этдилар. Шу билан бирга бу кўрсаткич (90,7 процент) Фрунзе райони саноатида анча паст. Бу район товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича топшириқни, шунингдек ишлаб чиқариш ҳажмини ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати бўйича топшириқни бажармади, меҳнат унумдорлигини планга қўшимча ўстириш бўйича (—3,7 процент) ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш бўйича социалистик мажбуриятларни (+6,1 процент) уддалай олмади.

Шунингдек Киров ва Октябрь районлари индустрияси маҳсулот таннархини планга қўшимча арзонлаштириш бўйича илгари қабул қилинган мажбуриятларни бажаришолмади.

Шаҳарнинг 13 корхонаси товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планни уддалай олмади. Бу апрель ойида ишлаб чиқариш фаолиятини мураккаблаштир и ш и мумкин. Бир қатор бирлашмалар, заводлар ва фабрикалар ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигининг (ўтган йилга нисбатан) зарур ўсиш суръатини таъминламадилар, меҳнат унумдорлигини планга қўшимча ўстириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича қабул қилинган мажбуриятларни уддалай олмадилар.

Тошкент меҳнат коллективлари В. И. Ленин туғилган кунининг 115 йиллигини, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини, КПСС XXVII съездини муносиб нишонлашга таёрланмоқда. Ҳозирги байрам кунларида меҳнат суръатини ошириш, апрель ойи ишлаб чиқариш программасини муваффақиятли тугаллаш барча ишлаб чиқаришларда барқарор технологик замин ҳозирлаш ва шу асосда май ойининг дастлабки кунларида бригадаларда, участкаларда, цехларда ишнинг яхши кетишини таъминлаш лозим.

Асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишига эришмаган корхоналарнинг коллективлари ғайрат билан ишлашлари лозим. Шу кунларда ишни шундай ташкил қилиш керакки, токи йўл қўйилган қолоқлик барараф этилсин. Бунда резервлардан тўла фойдаланишга ташкилий-техник тадбирлар планининг бажарилишига, янги техника ва илғор технологияни жорий этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ишнинг манфаатлари механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича ишларни изчил амалга оширишни, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида меҳнатни интенсивлаш даражасини оширишни КПСС Марказий Комитетининг март (1985 йил) ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари талаб этганидек, жойларда чинакам интизом ва тартибни йўлга қўйишни талаб этади.



20 апрель — ленинча коммунистик шанбалик кунида 11-«Висотстрой» трестига қарашли темирбетондан бинолар бунёд этишга ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж бошқармасининг коллективи янада унумли меҳнат қилишга аҳд қилди.

СУРАТДА: Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Мухтор Ҳабибуллаев етакчилик қилаётган бригада аъзоларидан бир группаси — пайвандчи Н. Авдошкина, монтажчи Р. Муслимов, Ҳ. Мусаев, Қ. Мирзамуродов, бетончи А. Холматовлар.

М. Нуриддинов фотоси.

МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛСИН

Дренажнинг энг самарали усулларини жорий этиш — суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалик экинларидан барқарор ҳосил олишнинг энг қисқа йўлидир. 10 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясида ана шу ҳақда гапирилди. Конференцияда етакчи олимлар, иттифоқдош республикалар тармоқ министрликлари ва идораларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари, планлаштирувчи органларнинг вакиллари, агросаноат комплекси ходимлари иштирок этдилар. Мелиорация қилинган майдонларда дренаж қурилиши ва ундан фойдаланишни илмий жиҳатдан асослашни, лойиҳалашни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев конференция қатнашчиларига қарата табрик нутқи сўзлади.

Конференцияда сўзга чиққан кишилар КПССнинг XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь ва 1985 йил март Пленумлари қарорларини амалга ошириш билан боғлиқ вазифаларга катта эътибор бердилар. Қишлоқ хўжалигини янада интенсивлаш ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан мустаҳкам боғланганлиги айтиб ўтилди. Дренаж тармоқларн ва иншоотлари пухта ишлаётганлиги туфайли ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатда 5,3 миллион гектар майдон — барча суғориладиган ерларнинг қарийб учдан бир қисмида дренаж системалари жорий этилган. Шу билан бирга, деб таъкидлашди нотиқлар, бу — асосан очиқ дренаж бўлиб, замонавий талабларга жавоб бермаяпти. Конференцияда бундай дренажларни мелиоратив тармоқларнинг бир мунча мукаммал турлари — ёпиқ горизонтал ва тик дренажлар билан алмаштириш зарурлиги тўғрисида гапирилди. Бундай дренаж Украина, Ўзбекистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Қозоғистонда ҳозирдаёқ кенг ёйилди.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон мелираторларининг тажрибасига юксак баҳо бердилар. Республикада салкам бир миллион гектар майдон ёпиқ горизонтал ва тик дренаж билан таъминланган. Шунинг натижасида тупроқнинг шўрланиш муддати қисқариб, экинларни суғориш учун сув сарфи камаймоқда.

Бироқ конференцияда таъкидлаб ўтилганидек, энг мукаммал системалар ҳам муттасил ишлатиб турилмаса зарур самара бермайди. Дренаж иншоотларининг бир мавсум давомида ишдан чиқиши далалар ҳосилдорлигини кўп йиллар мобайнида камайтириб юборади. Дренаж иншоотларини лойиҳалашда, қуришда ва улардан фойдаланишда, жумладан экинларни суғоришда йўл қўйилган ҳатолар сабабли шундай ҳодиса содир бўлиши мумкин. Шу муносабат билан мелиорация ва қишлоқ хўжалиги ишларининг барча босқичларида технология ва меҳнат интизомига риоя қилиш алоҳида аҳамият касб этади, деб уқтирилди конференцияда.

Конференцияда сўзга чиққан кишилар мамлакатнинг турли табиий зоналари учун мелиоратив системаларни лойиҳалашнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида, қурилишнинг илғор тажрибасини ёйишнинг муҳимлиги ҳақида, қувурлар ишлаб чиқаришда полимер ва бошқа янги материаллардан фойдаланиш тўғрисида гапирдилар. Дренаж ётқизишнинг илғор усулларини ишлаб чиқаришга янада кенг жорий этиш, мелираторлар меҳнатини енгиллаштирадиган серунум машина-ускуналар яратиш зарурлиги таъкидланди.

Дренаж иншоотларини бошқаришни автоматлаштириш — муҳим вазифадир, деб уқтирилди конференцияда. Шу жиҳатдан қараганда телемеханика, электрон-ҳисоблаш техникаси, тупроқнинг шўрланишини олисдан контрол қилиб турish методларини қўлланиш йўли билан қудуқлардан фойдаланиш тажрибаси қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистоннинг янги суғориладиган районларида ана шу воситалардан фойдаланмоқдалар.

Конференция иштирокчилари мелиорация методларини янада такомиллаштиришга, дренажнинг самарали системаларини практикага янада кенгроқ жорий этишга қаратилган тавсиялар қабул қилдилар. Улар мамлакат мелираторлари суғориладиган деҳқончиликни интенсивлашга ўзлари қўшадиган ҳиссани кўпайтириш, партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун бутун кучларини сарфлайдилар, деб ишонч билдирдилар.

Конференцияда СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Н. Ф. Васильев нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзолари Е. А. Айтмуротов, Ғ. Ҳ. Қодиров, О. У. Салимов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Г. М. Гибов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. Р. Раҳимов, СССР Министрлар Совети агросаноат комплекси бўлими мудирининг ўринбосари В. П. Митрофанов, СССР Госпланининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Конференция қатнашчилари Сирдарё, Жиззах ва Тошкент областларига сафар қилиб, дренаж системалари қуриш ва улардан фойдаланиш тажрибаси билан, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ва «Главсредазирсовхозстрой»нинг саноат корхоналари иши билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

• *Қурувчилар—беш йиллик вахтасида*

ЖАДАЛ СУРЪАТЛАР БИЛАН

Тошкент мотор заводининг асосий ишлаб чиқариш корпуслари Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида қад кўтармоқда. Ҳозирда бу ерда кўпгина иншоотларнинг синчлари қад кўтарди ва кундан-кунга бўлажак индустриал комплекс «тўлишиб» бормоқда.

Бу ердаги энг йирик қурилиш объектларидан бири — механика-йиғув корпуси ҳисобланади. Унинг асосий қисми девор панеллари билан ўраб чиқилди. Мазкур корпус ўн гектардан зиёд майдонда тикланмоқда. Бу қурилиш объекти жуда муҳим бўлиб, заводнинг асосий ишлаб чиқариш комплекслари-дан бири ҳисобланади.

«Промстрой» трестига қарашли 76-механизациялашган кўчма колоннанинг Баҳриддин Исмоилхўжаев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси бу мазкур участкада фидокорона тер тўкмоқда. Улар механика-йиғув корпусининг ишга туширилаётган иккинчи комплексида том ёпиш ишларини бажармоқда.

Бригаданинг кўпгина аъзолари ўтган йилнинг охирларида изоляциячи касби билан таништилар. Улар бу касбни ўтган қаҳратон қишнинг мураккаб шароитларида механика-йиғув корпусининг ишга туширилаётган биринчи комплекси томини ёпишда ўзлаштирдилар. Том ёпиш ишлари технологиясини ўрганишда ёш изоляциячи А. Ргга «Оргтехстрой» институтининг мутахассислари яқиндан ёрдам бердилар.

Катта қурилишларда кўпгина масалалар бош пудратчининг ёрдамчи пудратчи ташкилотлар билан баҳамжиҳат ишлаши туфайли ҳал этилади. «Узстальконструкция» трестининг Тошкент «Стальмонтаж» бошқармаси мутахассислари изоляциячилар учун ҳар куни кенг иш фронти очиб бермоқдалар. Мазкур бошқармининг звеноларидан бири том ёпиш ишлари билан банд бўлса, В. Часовников бошчилигидаги бригаданинг асосий қисми механика-йиғув корпусининг ишга туширилаётган 2- ва 4-комплексларида йиғма-темир бетонларни монтаж қилишяпти.

Монтажчилар коллективи бир маромда ишлашмоқда. Бунда ишлаб чиқилган ишлар лойиҳаси қўл келмоқда. Маҳсус участкада иккита кўприкли кран ёрдамида монтажчилар темир-бетон буюмларини йиғмоқдалар. Сўнгра йиғилган конструкцияларни участкаларга етказиб беришмоқда. Бундай узлуксиз технологик жараён иш вақтини тежаш ва қурилиш муддатини қисқартириш имконини бермоқда.

—Бизнинг участкамизда иш суръати янада юқори бўлиши мумкин эди,— дея ҳикоя қилади В. Часовников. — Бироқ, таъминотчилар бир оз панд беришяпти. Биринчи Урал енгил металл конструкцияларни заводи ишга туширилаётган иккинчи комплекс томи монтажи учун зарур бўлган материалларни вақтида етказиб беролмаяпти. Ўз навбатида бу том ёпиш ишларининг оқсашига, қўшни бўлинмаларнинг «қўлини ушлаб» қолишга олиб келиши мумкин. Зарур бўлмиш қурилиш материалларини етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларининг айрим бандларини бошқа заводлар ҳам бузмоқдалар.

Худди шундай аҳвол Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли 3-трестнинг 16-қурилиш бошқармасида механизациялашган кўчма колонна қурувчилари алюминий конвейери ишлаб турибди. Бу ерда Минск мотор заводи етказиб бераётган узель ва деталлар бўйича двигателлар йиғилмоқда. Ўтган йили 80 ва 100 от кучли дастлабки ўнлаб двигателлар ишлаб чиқарилган эди. Бу йил эса шундай двигателлардан юзлаб ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Чирчиқ дарёсининг чап соҳилидаги цех кишига завод ичидаги ўзига хос «кичик заводни» эслатади. Тез кунларда бу ерда программ бошқаришга эга бўлган станоклар ва технологик линиялар ишлай бошлайди. Созловчилар турли участкаларда бу мосламаларни ўрнатмоқдалар ва дастлабки синовдан ўтказмоқдалар.

Яқинда кўпчилиги комсомоллардан иборат 400 нафар ёш ишчи Тошкент мотор заводининг йўлланмаси бўйича Харьков, Владимир ва Липецк области тармоқ корхоналаридан ишлаб чиқариш практикасини ўташ учун жўнаб кетадилар. Бир йил —бир ярим йил ўтгач, улар малакали мутахассислар бўлиб қайтишади ва станокларни бошқаришади. Бир сўз билан айтганда, янги завод жадал суръатда қурилмоқда ва келажак сари дадил одимламоқда.

А. АҲМАДИЕВ.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ



КПСС XXVII съезди ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақада «Узбексельмаш» заводининг ишчилари кун сайин социалистик мусобақа байроғини баланд кўтаришмоқда. Корхонадаги илғорлар ҳақида гап кетса, ёш коммунист З. Тоҳиров ва комсомол аъзоси Е. Кажаҳмедовларни и н г номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Ҳар иккала ёш ишчи мунтазам кунлик смена нормаларини ортиғи билан бажариб келмоқда.

СУРАТДА: илғор ёш ишчилар З. Тоҳиров ва Е. Кажаҳмедов.

М. Нурмуҳинов фотоси.

● БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЎҚУВГА—МУҲИМ ЭЪТИБОР

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия комитети партия ўқувига муҳим эътибор қаратмоқда.

Яқинда 04-цехда ўқувнинг мазмунини яхшилаш, машғулотлар самарасини ошириш масаласи муҳокама этилди.

Цех партия ташкилотининг секретари Н. С. Лушпа бу ҳақда ахборот берди. Шунингдек, 20-цех партия ташкилотининг секретари А. И. Убайдуллаев корхона партия маорифи кабинетининг мудири М. Д. Спиринларнинг ҳам ахборотлари тингланди. Цехларда машғулотларнинг қандай савияда ўтаётганлиги таҳлил этилди. Тингловчилар давомати, ўқув машғулотларини юксак савияда ўтказиш учун қандай шарт-шароитлар яратиб берилаётгани атрофлича кўриб чиқилди. Ҳозирги талаблар асосида ўқувнинг ғоявий-назарий савиясини кўтариш, уни корхона ва цехлар олдида турган конкрет вазифалар билан узвий боғлаб олиб бориш бўйича бир қатор тадбирлар белгиланди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ДЎСТЛАР УЙИ

БЕРЛИН. Магдебург шаҳридаги Эрих Вайнерт номли Германия —Совет дўстлиги уйи 1949 йилда ташкил этилганидан бери унда уч миллион киши бўлди.

Эльба бўйидаги кўҳна шаҳарда жойлашган Германия—Совет дўстлиги уйининг тарихи Совет Армияси немис халқини фашизмдан озод этганлиги билан чамбарчас боғланган. Буюк немис шоири И. В. Гете бюсти уйнинг биринчи экспонати бўлган эди. Уни совет офицери ҳаробалар остидан топиб тиклаганди.

Бугунги кунда бу уй ГДРнинг кўпгина граждан-лари учун совет кишиларининг турмуш тарзи, маданияти ва санъати билан таассуротли учрашувлар ўтказиладиган жой бўлиб қолди. Ҳар куни турли семинарларда, мунозара клубларн, тантаналн тадбирлар, кино кўрикларда юз мингдан кўп киши қатнашмоқда.

Эрих Вайнерт номидаги дўстлик уйига келаётган кишилар орасида Совет Иттифоқидан кўпдан-кўп меҳмонлар бор. Бу ерда ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан, Москвадаги бошқа театрлардан келган таниқли санъат арбоблари бўлишган.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

БЕРЛИН. Лейпцигдаги дизель моторлар заводининг механоташлари корхона ташкил этилган кундан буён 30 мингинчи агрегат тайёрладилар. Бу мотор Галле округидаги Дессау вагонсозларига жўнатилди. Бу ерда Совет Иттифоқи учун механик совутилиши бўлган рефрежератор вагонлар тайёрланмоқда.

Лейпциг моторсозлари 1975 йилдан буён дизель агрегатлари ишлаб чиқаришни икки баравар ошириб, социалистик мамлакатларга ўз маҳсулотини етказиб беришни олти баравар кўпайтирдилар.

* * *

ЛОНДОН. Англия пойтахтида экономиканинг давлат секторини хусусийлаштириш юзасидан Тэтчер консерватив ҳукумати ўтказаётган сиёсатга қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. Консерваторлар ҳукуматининг бир қанча давлат транспорт корхоналарини, шу жумладан «миллий автобус компаниясини хусусий бизнес қўлига топширишни кўзда тутувчи транспорт ҳақидаги қонун лойиҳасини парламентда тасдиқлатиш йўлидаги уринишларига қатъий равишда «йўл кўймаймиз» дейиш учун жамоат транспорти ходимларидан 12 мингдан кўпроқ киши Лондон кўчаларидан ўтди.

Британия Тред-юнионлар конгрессининг бош секретари Уиллис бу ерда бўлиб ўтган митингда сўзга чиқиб, жамоат транспортининг хусусийлаштирилиши транспортда ишлаётган кўплаб ишчи ва хизматчиларни ишдан бўшатишга, шунингдек транспортда юриш нархининг кескин ошишига олиб келади, деб таъкидлади.

* * *

БОНН. Шимолий Рейн-Вестфалия ўлкасининг Крефельд шаҳридаги ўлка суди собиқ СС шарфюрери Вольфганг Отто нишини кўриб чиқишни узоқ пайсалга солганидан кейин тараққийпарвар жамоатчилик тазйиқи остида ниҳоят кўришга қарор қилди. У Германия Компартияси раиси Эрнст Тельманни ўлдиришда қатнашганликда айбланмоқда.

Немис коммунистларининг йўлбошчиси 1944 йил августида Бухенвальд қамоқ лагерида эсэсчилар томонидан ваҳшиёна ўлдирилди. Ана шу қотиллар орасида Отто ҳам бор эди.

Нацист жаллоднинг ишини кўриб чиқиш шу йилнинг 5 ноябрига белгиланган.

* * *

Энг катта порт шаҳри —Гамбургда ГФР ҳукуматининг антисоциал сиёсатига қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. «Ядро ракеталари эмас, иш, мактаблар, болалар боғчалари керак!», «Социал ҳуқуқларнинг камситилишига чек қўйилсин!» деган шиорлар остида ўтказилган намойишда ишчи ва хизматчилар, пенсионерлар ва ишсизлардан 3 мингдан кўпроқ киши қатнашди. Намойиш шаҳарда тузилган ва 200 га яқин ташкилотни бирлаштирган ҳаракат даъвати билан ўтказилди. Бу ташкилотлар ҳарбий харажатларнинг янада кўпайтирилишига ва меҳнаткашлар туб манфаатларининг камситилишига қарши чиқмоқдалар.

* * *

ОТТАВА. Канаданинг Британия Колумбияси вилоятидаги Хьюстон шаҳри ядро қуролидан холи зона деб эълон қилинди. Хьюстон округининг кенгаши ана шундай қарор қабул қилди. Кенгаш «Плезент водийсининг аҳолиси тинчлик учун курашмоқда» деб аталган уруш га қарши жамоат ташкилоти киритган тегишли резолюцияни якдиллик билан маъқуллади. Ана шу ҳужжатга мувофиқ энди бу шаҳар доирасида ҳар қандай ядро қуролини жойлаштириш, синаб кўриш, ишлаб чиқариш ва ташиб келтириш тақиқланади.

Хьюстон мэри У. Микаелсоннинг ТАСС мухбирига айтишича, округ кенгашининг қарори Канаданинг шу районида яшаётган ҳамда ядро қуролининг тақиқланиши ва ядро уруши хавфини камайтириш мақсадида чоралар кўрилиши учун ҳаракат қилаётган кишиларнинг кайфиятини акс эттиради. 1983 йилда ўтказилган референдум вақтида шаҳар аҳолисининг 77 проценти ялпи ядровий қуролсизланишни қўллаб-қувватлаётганини айтди, деб таъкидлади у Хьюстон мэри, қабул қилинган резолюциянинг нусхалари АҚШ президенти Р. Рейганга, Канада бош министри Б. Малрунига ва Британия Колумбияси ҳукуматига юборилганини ҳам маълум қилди.

Ҳозирги вақтда Канаданинг 70 га яқин шаҳри, шу жумладан Торонто ва Ванкувер сингари йирик шаҳарлари ўзини ядро қуролидан ҳоли зоналар, деб эълон қилди.

МУСТАҲКАМ НЕГИЗ

ХЕЛЬСИНКИ. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет-Финляндия шартномаси иккала мамлакат ўртасида барча соҳалардаги кўп ёқлама ҳамкорликни ривожлантиришнинг мустаҳкам негизи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Парламент ташқи ишлар комиссиясининг бу ерда тарқатилган баёнотида ана шундай дейилган. Парламент комиссияси Финляндия ҳукуматининг халқаро муносабатлар соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги унинг ҳисоботини кўриб чиқиб, Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш нуқтаи назаридан дўстлик, ҳамкорлик ва Ўзаро Ёрдам тўғрисидаги Совет-Финляндия шартномаси 2003 йилга қадар 20 йил муддатга узайтирилганлиги ниҳоятда муҳим воқеа бўлганлигини қайд этиб ўтди. Финляндия ташқи сиёсатининг таг-заминли пойдевори бўлган шу шартнома ўзгартирилмай узайтирилганлиги унинг иккала томон энг муҳим манфаатларига мос бўлиб тушаётганлигидан далолат беради, дейилади комиссиянинг баёнотида.

Совет — Финляндия шартномаси Европанинг шимолида тинчликни мустаҳкамлашга, барқарор вазиятни сақлаб туришга, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлашга катта ёрдам бермоқда, дейилади ҳужжатда.

КОСМОСДАН НАЖОТ БЕРИЛДИ

САН-ФРАНЦИ С К О. Халқаро коспас—сарсат космик системаси ёрдамида яна бир одам қутқарилди.

Калифорния штати соҳил ҳимояси вакилининг айтишича, Трейси шаҳарчасида яшовчи Ж. Хувер елканли яхтада Сан-Франциscодан Тинч океанга чиққанида, кема тешилиб ичига сув кира бошлагач, уни тарк этишга мажбур бўлган. У кичкина қутқарув қайиқчасида 13 соат мобайнида совқотиб ва икки метргача баландликка кўтарилган тўлқинлар билан олишди.

Яқиндан ўтган икки танкер командасининг эътиборини тортиш учун Хувер қанчалик ҳаракат қилмасин, улар қайиқчани пайқашмади. Коспас—сарсат системасига киручи йўлдошлар эса автоматик тарзда юборилган сигналларини қабул қилиб, ердаги пунктларга тегишли ахборот берди. Тез орада соҳил ҳимояси вертолети авария юз берган жойга учиб борди. Тинч океан кенгликларида йўқолаёзган киши қутқарилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари— ҳаётга!

2. ИШ ВАҚТИНИНГ ҚАДРИ

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг рейди

ЁКИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ҚАЕРДА ВАҚТЛАРИНИ ЙЎҚОТИШЯПТИ?

Хизмат кўрсатиш соҳаси олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. У аҳолининг турли хизматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириши, кишиларга яхши кайфият бахш этиши лозим. Лекин, маиший корхоналар иши ҳамиша ҳам талабга жавоб беряптими? Афсуски, бундай эмас. Тошкентликлар ҳануз навбат кутиб вақтларини зое кетказишяпти, буюртмаларнинг бажарилиш муддатлари барбод этиляпти, уларнинг сифати ҳали унчалик яхши эмас. Буларнинг ҳаммаси пировард натижада бизнинг ишлаб чиқаришдаги ишларимизда акс этади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармаси ходимлари билан биргаликда ўтказилган рейд пайтида биз аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналарида бўлдик. Шунда кўз олдимизда қуйидаги манзара намоён бўлди.

Навбатда туришлар, бузилган кайфият ва барбод бўлган буюртмалар ҳақида

ИШ КУНИ охирлаган пайт. Пушкин кўчасида жойлашган 3628/0117-омонат касса анча гавжумлашди. Соат 17 дан 15 минут ўтганда мижозлардан бири касса дарчасига рўбарў бўлди:

— Синглим, —менга расчёт чеки бўйича пул тўлашингизни сўрайман.

— Сизга айтган эдим-ку, бу операция қандай қилинишини билмайман, деб. Марказий кассага боринг.

— Лекин, менга шу касса қулайроқ-да.

— Асло ёрдам беролмайман. Ушбу суҳбат инженер М. Крейнес ва омонат касса контролёри Г. Варганова ўртасида бўлди.

— Бу ерга учинчи марта келишим ва ҳар гал бир хил жавоб эшитяпман, — дейди М. Крейнес.—Мана ҳозир ҳам ишдан кейин кирган эдим.

Мижоз кайфияти бузилиб чиқиб кетди.

КУИБИШЕВ районидаги 36— 28-марказий омонат кассасига йўл олдик. Мудири Т. Г. Акулина билан суҳбатлашяпмиз.

— Галина Варганова расчёт чеки бўйича тўловни бажариши керак эди,— дейди Таисия Герасимовна. — Башарти, у бу операция қандай бажарилишини билмас экан, бу бизнинг камчилигимиз...

М. Горький майдонида «Сервис» агентлигининг авиабилетлар сотиш бўйича қабул пунктида 15 га яқин киши навбати келишини бетоқат кутяпти. Битта касса ишлаяпти, навбат секинлик билан ўтяпти.

— Бугун бир ўзим ишлаяпман,—деди кассир Л. Е. Краснова.— Шеригимни уйга билет элтиб беришга ўтказишди.

Тошкентликлар ёзда самолётга билет олиш қанчалик мураккаблигини яхши билишади. Ҳали отпускалар даври бошланмаган йўқ, лекин «Сервис» агентлигининг айрим пунктларида навбат кутиб турганлар анча кўпайди. Ушбу ташкилот раҳбарлари ўз ишларини қайта ташкил этишяптими?

— Горький майдони, «Чилонзор» марказий универсаль магазини ёнида ва Фарҳод кўчасида жойлашган пунктларимиз отпуска мавсуми бошлангач ғоят қизғин ишлайди, — дейди «Сервис» агентлиги бошлиғи С. К. Миразизов. — Шу боисдан улар кенгайтирилиши лозим, бунинг учун эса бизга қўшимча кассирлар штати берилиши керак.

Ўйлаймизки, «Узтрансэкспедиция» бошқармаси раҳбарлари ҳозирданоқ «Сервис» агентлигининг барча хизматлари ишини диққат билан таҳлил этишлари, мижозлар билет харид қилишда соатлаб навбат кутиб қолмасликлари учун конкрет чоралар кўришлари керак бўлади.

КЕЙИНГИ йилларда Тошкентда маиший хизмат тармоқлари анча кенгайди. Уларнинг ҳаммаси кенг, замонавий жиҳозланган хоналарга жойлашди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг айрим корхоналари шаҳарликларнинг ишончини қозонди. Лекин ҳамма маиший хизмат объектлари ҳам бугунги кунда мижозларнинг эҳтиёжларини қондиряпти деб бўлмайди.

— 1983 йилнинг майида «АТ — 66» радиоприёмникини тузатишга топширган эдим,— дейди Дадажонов. —Лекин ҳанузгача уни қўлимга олганим йўқ. Ҳар гал келганимда, телефон орқали кўнғироқ қилганимда устахона мутахассислари гоҳ мастер йўқлигини, гоҳ ускуна йўқлигини баҳона қилишарди.

Бу суҳбат соат 13 дан 50 минут ўтганда бўлди, бу пайтда устахона тушликка беркитиб қўйилган эди. Ҳолбуки, унинг иш режимига кўра, тушлик 14.00 дан бошланади.

Чилонзор кўчасидаги 83-уйда жойлашган радио аппаратуралари ремонтига ихтисослашган ателье бошлиғи И. Рустамов квитанцияни (у номерсиз ва ғалати нусхада эди) **кўриб, ҳаёлга чўмди.**

— Бу радиоприёмникни ҳозир қаёқдан топишимиз мумкин?

— Шунча вақт ўтди... Қанча мастерлар ўзгарди... — деб чайналди ателье бошлиғи.

Ишнинг бундай йўлга қўйилиши ихтисослаштирилган ателье ходимлари ўз вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлаётганликларидан гувоҳлик беради.

ШУ КУНИ СОАТ 16 ларда Чимбой кўчасидаги маиший хизмат уйи гавжум эди. Ушбу корхона хизматидан асосан Студентлар шаҳарчасидаги студентлар ва Қорақамиш массивининг шу яқин атрофдаги уйларида яшовчи аҳоли фойдаланади. Хонанинг ноқулайлиги яққол кўзга ташланади. Кўпгина студентлар буюртмаларни бажариш муддатлари ва сифати хусусида эътироз билдиришди.

— 15-ательега (мудири А. Очилова) тўртинчи марта келишим,— дейди мижоз Ҳайитов, —лекин буюртма ҳалигача бажарилмади. Бичиқчи Р. Шарипов шимни қоматимга мослаб олмаяпти.

Буюртмачи М. Султонова ҳам шундай эътирозлар билдирди. Студентлардан Абдуллаева, Шоисаев, Каримовлар шу маиший хизмат уйидаги 23-фотоательеда тайёрланаётган суратлар сифати ёмонлиги ҳақида гапиришди. Бинобарин, бу нарса фотосалон мудири Ю. Красюковнинг эътиборидан четда қолмаслиги керак.

НОСОЗЛИКНИ бартараф этиш учун слесарь-сантехникни чақириш мақсадида 73-ЖЭУга қайта-қайта мурожаат этишга тўғри келяпти,—дейишди бир овоздан М. Савченко ва Н. Швидная.— —Ишдан сўраб қолишга тўғри келяпти, лекин ҳаммаси фойдасиз: сантехник сувга чўккан тошдек кўринмайди. Натижада санитария-техника жиҳозларини ремонт қилиш учун чет кишини қидиришга тўғри келяпти.

Бу борада ЖЭУ ишини назорат этиши керак бўлган район уй-жой эксплуатация трести раҳбарлари ўз сўзларини айтишлари керакка ўхшайди.

ЕНГИЛ автомобилларнинг кўпчилик эгалари «Сервис» фирмасининг машиналар ғилофини тикувчи 3-пунктига (мудири Б. Жўраев) мурожаат этишяпти. Мана, ҳозир ҳам бу ерда мижозлар кўп. 5-автопарк ҳайдовчиси А. Куликов буюртма беришга келган.

— Ғилоф сакиз кундан кейин тайёр бўлади, —дейди қабул қилувчи С. Лулакова.

— Илгарироқ мумкин эмасми?

— Ҳозир иш кўп.

Ҳамма ҳам шундай жавоб эшитавермайди. Ким «йўлини» топса ғилофни тезроқ олади. Пунктда буюртмани тайёрлашнинг муайян муддати йўқ, ходимлар иши ҳеч қандай назорат қилинмайди. Қайси машинага ғилоф тикилиши учун қанча материал сарфланишини кўрсатувчи прейскурантни ҳам кўрмадик, буюртмани бажариш қиймати кўрсатилмаган. «Сервис» фирмасининг 3-пунктидагиларга бу кўл келяпти.

СОАТ 12. 16-ЖЭУ паспортистканси йўқ, хона ёпиқ. Ёзиб қўйилганига кўра, бу ерда соат 9 дан 13 гача қабул қилишади.

— Космонавтлар проспектидаги 17-уйда яшайман, — деди пенсионер М. Павлова. — Шаррос ёмғирга қарамай иш билан бу ерга келдим. Лекин паспортистка М. Верова жойида йўқ экан.

12 ДАН 15 минут ўтди. Биз «Узгосэнергонадзор»нинг шаҳар бўлимидамиз. «Қўйлиқ — 4» массивидаги 5-уйнинг 102-квартирасида яшовчи Т. Вершинина бузилган счетчикни тўрт ойдан бери алмаштира олмаётганидан шикоят қилади.

—Февраль ойи бошида монтер келди, лекин ёрдам бера олмади,— дейди Т. Вершинина. —Шундан кейин «Узгосэнергонадзор»нинг шаҳар бўлимига бир неча марта қўнғироқ қилиб, счетчикни алмаштиришларини сўрадим. Лекин илтимосимни ҳеч ким бажармади. Ҳар гал фалон куни борамиз, дейишади, лекин ҳеч ким келмайди.

Бироқ, группа раҳбари Ҳ. Иботов рейд группаси аъзоларини кўриб мижозга бўлган муносабатни бирданига ўзгартирди ва бу ишни уй-жой ташкилоти бажариши керак бўлсада, счетчикни мустасно тариқасида алмаштиражагини билдирди. Лекин нима учун икки ой мобайнида «Узгосэнергонадзор»нинг шаҳар бўлимида ҳеч ким Т. Вершининанинг ташвишини ҳал этиш юзасидан маънили жавоб бермади экан.

«САМАРҚАНД» автостанцияси (бошлиғи А. Ризаев). 14.00. Шу вақтда Тошкент — Гулистон автобуси жўнаб кетиши керак. Салкам 50 пассажир ҳаяжон билан соатларига қарашади. 15 минут ўтди. Радиоузель орқали ҳеч қандай эълон бўлмади.

— Автобус нега келмаяпти? —ҳайрон бўлиб сўради Гулистон шаҳридаги 4-микрорайонда яшовчи И. Макаренко.

Диспетчер М. Мансуров бизга тушунтирди:

— Ҳайдовчи баллонни алмаштиришга жўнаб кетган, соат 14.00 га қайтишга ваъда берган эди...

«67—91 ТШЛ» номерли автобус фақат 14.20 да ниҳоят пайдо бўлди. Диспетчер рейсдаги узилиш ҳақида эълон қилиши, пассажирлардан узр сўраши, ушланиб қолишнинг сабабини аниқлашга интилиши шарт эди. Афсуски, бундай бўлмади. Ишга бўлган бундай муносабатни ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди.

ЛИСИНОВ кўчасидаги 9-уйда жойлашган «Тез химчистка» филиали (бошлиғи А. Сатторов). Эшикдаги ёзувни ўқиймиз: «Филиал 8.00 дан 20.00 гача танаффуссиз, дам олиш куниси ишлайди». Биз бу ерга соат 15 дан 55 минут ўтганда кирдик. Бир неча киши ўтиришибди, ўз буюмларини топширишни кутишяпти. Бироқ, қабул қилувчи В. Крушевская тушликка кетган.

— Мен ярим соатдан бери беҳуда ўтириб, вақтимни йўқотяпман,— дейди «Сельхозхимия» бирлашмаси инженери Б. Мухторов.

— Бунинг устига ушбу филиал ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришмайди, — суҳбатга қўшилди «Ташавтоматика» заводининг техника назорати бўлими контролери Ҳ. Тожибоева.— Улар тугмаларни кесишлари ва кейин қадаб беришлари, ёрлиқ қўйишлари керак, лекин бу ишни буюртмачиларнинг ўзлари бажаришади.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциясининг рейд бригадаси.

РЕДАКЦИЯДАН: Ўтказилган рейд шуни кўрсатдики, ҳали хизмат кўрсатиш соҳасида кўпгина нуқсонлар ва камчиликлар бор, буюртмаларни бажариш муддатлари бузилишига йўл қўйиляпти, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми паст. Бундай аҳвол билан эндиликда муроса қилиб бўлмайди. Маиший хизмат корхоналарида тартиб ўрнатилиши учун қатъий чоралар кўрилмоғи даркор. Шунингдек, уларнинг иш режими қайта кўриб чиқилиши устида ўйлаб кўриш керак бўлади. Шундай қилиш керакки, мижозлар маиший хизмат юмушларидан ишдан бўш вақтларида фойдалана олсинлар, беҳуда навбат кутиб қолмасинлар.

Танзания халқи озодлик ва тинчлик йўлидан дадил бормоқда. Мамлакат ҳокимияти чет эл капитализмига қарамликдан воз кечиш учун бир қатор социал-иқтисодий режаларни амалга оширмоқда. Белгиланган беш йиллик планларни тўла бажариш учун барча танзанияликлар фидокорона меҳнат қилишяпти.

СУРАТДА: Танзания портларида юк тушириш.



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари—амалда

ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР—ҲАЁТИМИЗ ЗИЙНАТИ

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан

УНУТИЛМАС, СУРОНЛИ КУНЛАР...

ОИЛА даврасида суҳбатлар

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бизни турмушимизнинг ҳамма соҳаларини жамиятимиз табиатига ёт ҳодисалардан тозалашга, социалистик қонунчиликни, партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга даъват этди.

Пленумда кадрларни ғоявий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга етарли эътибор берилмаётганлиги, юлғичлик, молпарастлик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, хусусий мулкчилик психологияси кўринишларига, диний сарқитларга ва совет турмуш тарзига хос бўлмаган феъл-атвор кўринишларига кескин зарба берилмаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Пленумда қайд этилган камчиликларни бартараф этишимиз, янгича анъаналарни ижтимоий ва маънавий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида совет турмуш тарзи тақозо этаётган ахлоқий нормалар тарзида янада кенгроқ шакллантиришимиз керак.

Қуйидаги материалларда ҳаётимиз кўрки бўлган янгича анъаналар ҳақида ҳикоя қилинади.

• Совет турмуш тарзи

ОИЛА БАЙРАМИ

Ота-оналар ва болалар. Уларнинг ҳамжиҳатлиги, жипслиги ўзига хос бир олам. Чунки онлада фарзандлар ота-онадан яхши ибрат олиб ҳаётдан муносиб ўрин эгаллашни ўрганадилар. Онанинг бағри эса ғоятда саҳий, кенг ва меҳрибондир. Оиланинг ҳар бир аъзоси ҳақли равишда унинг атрофида парвона бўлади. Нурматовлар оиласида педагоглар, агрономлар, студентлар, ишчилар, совет Армияси сафларида хизмат қилаётган солдатлар, мурғак норасидалар ҳам бор. Бунинг устига онлада келинлар, куёвлар, набиралар ҳамиша жамулжам. Анъанага кўра улар март ойида катта давра қурадилар. Улар она ва ота—Зеби ва Наби Нурматовлар туғилган кунни муносиб нишонлайдилар. Зеби опа ўз хонадонининг бахтиёрлигидан қувониб шундай дейди: «Оиламизни машинага ўхшатамиз. Биз ҳайдовчилармиз, фарзандларимиз эса йўловчилардир. Уларнинг ҳаёти бизга ишониб топширилган. Чунки биз фарзандларимизни кўз қорачиғидек авайлаб-асраймиз».

СУРАТДА: апрель ойининг серқуёш кунларидан бирида Чилонзордаги Журнал кўчасидаги Нурматовлар хонадони чақалоқлар билан суратга тушди.

Д. МАЖИДХЎЖАЕВА.

М. Нуриддинов фотоси.



• Маҳаллада нима гап?

Ветеранлар иззатда

Юнусобод массивидаги «Янгиобод» деб номланган клубга кишилар тез-тез келиб туришади. Маҳалла клубига «Янгиобод» деб ном қўйилиши бежиз эмас. Чунки, маҳалла кейинги ўн икки йил ичида обод бўлди, ҳуснига ҳусн қўшилди. Аҳоли клубга тез-тез йиғилиб фаровон турмушимиз, тобора гуллаб-яшнаётган шаҳримиз истиқболи ҳақида суҳбатлашгани, янги режаларни белгилаб олгани йиғилади.

Маҳалла аҳлининг навбатдаги йиғилиши аввалгиларидан бошқачароқ, жозибалироқ бўлди. Шу куни одамлар ветеран ишчи, Тошкентдаги фурнитура-пластмасса заводида пайвандчи бўлиб ишлаган Маннон ака Салоҳиддиновнинг 60 ёшини муборакбод этгани келишди. Унинг ҳаёт йўли, бунёдкорлик ишлари ҳақида маҳалла комитети раиси, меҳнат ветерани, педагог Оқилжон Қосимов батафсил сўзлаб берди. Юбилярга анъанага кўра совға-салом топширилди.

Шу куни клубга йиғилган маҳалла аҳли маҳаллани янада ободонлаштириш ва кўкаламзордаштириш тўғрисида суҳбатлашиб ҳам олдилар. Ҳашарлар уюштириб, ариқ ва зовурларни тозалаш, мевали дарахтлар экиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Чиндан ҳам аҳоли ўзи яшаётган микрорайон янада гуллаб-яшнаши учун жон куйдиряпти. Бу ерда ҳамма иш баҳамжиҳат ҳал этилади. Тўйларни ўтказиш тартибга солинган.

Маҳалла клубида уруш ва меҳнат ветеранлари билан тез-тез учрашувлар уюштирилади. Ветеранлар ўзларининг фронтдаги жанг хотираларини, меҳнатда эришган ютуқлари ва бой тажрибаларини ёшларга мароқ билан сўзлаб беришади. Ёшлар ўз маҳаллаларида шундай ҳурматли кишилар борлиғидан фахрланишади. Уларга иззат-икром кўрсатишади. Зеро, мамлакатимизнинг барча соҳаларида эришган ютуқларида кексаларнинг муносиб ҳиссаси бор.

А. ҲАСАНОВ.

СУРАТДА: маҳаллада яшовчи бир группа ветеранлар.



«Афсуски, идеология ишини ташкил этишда ҳали ҳам дабдабали тадбирлар ҳаддан ташқари кўп, буржуа идеологиясига ва ахлоқига қарши, одамлар онги ва феъл-атворидаги реакцион сарқитларга қарши, истеъмолчилик психологиясига, қолоқ урф-одатларга ва анъаналарга, ҳаддан ортиқ ҳашамдор тўй-томошаларга ва маъракаларга қарши ҳужумкорлик ва таъсирчанлик бўшаштириб юборилган».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).

Яхши хислат—гўзал фазилат

МУҚАДДАС БУРЧ

Ниҳоят, тўй куни белгиланди. ЗАГСдан висол оқшоми кечасидан бир ҳафта олдин ўтиладиган бўлди. Белгиланган кун роппа-роса соат 12 да саккизта бир хил рангли «Жигули» келиннинг эшиги тагида тўхтади. Сокин кўча бир зумда машиналарнинг сигнал овозидан ларзага келди. Келин ва унинг дугоналари ичкаридан анча интиқтириб чиқишди. Тўрт киши машинага сиғмай қолди. Куёв-навкарларидан бири кўчага югурди. Машина келгунча олди-қочди гаплардан куёвнинг «лавлагиси» чиқди. Айниқса, келиннинг сингласи Ҳабибахоннинг «қурумсоқлик қилмай битта ортиқча машина олиб келганларингда пулини ўзимиз тўлардик» деган сўзи куёв Аҳмаджоннинг юрак-юрагидан ўтиб кетди. Ҳайрият, машина тез топила қолди-ю, бироқ унинг «свети» келиннинг онасига ёқмади.

— Шунча машиналар ичида «чипта ямоқ» бўладиган бўлди-да, — дея лабини бурди у.

Ҳабибахон эса бу «чипта ямоқ»ка ўтиришдан ор қилди. Куёв навкарлардан бири дарҳол унга янги машинадан ўз жойини бўшатиб берди.

Никоҳ маросими ўтиб, машинада сайр этиш жонга текқач, зиёфатга — куёвнинг тоғасиникига йўл олишди. Ўтириш қуюқ бўлишига қарамай «қилдан қийиқ ахтарадиган»лар ҳам топилди. Қорачадан келган нозик қизга манти ёқмади. Кимдир нориннинг пиёзига кўп сирка қўшилганидан шикоят қилди. Ҳаммасидан Ҳабибахонники ошиб тушди. Ёнидаги сариқдан келган шофёр йигитча ичмагани учун арз бошлади:

— Нима, сиз тўйга қаршимисиз? Наҳот опам билан поччамга бахт тилаб ичмасангиз, — деб туриб олди.

Қизлар ичида изза бўлган йигит кетма-кет қуйиб ичди. Ўқтин-ўқтин шишаларга тикилиб ўтирган шофёр йигитлар ҳам «бўлари-бўлди» дегандек қадаҳларга ёпишиб олишди.

Тўрт соатдан ортиққа чўзилган ўтиришдан сўнг, машиналар ҳаракатга келди. Кўчани яна сирена овози қоплаб кетди. Келин ва унинг дугоналарини омон-эсон ўз жойига қўйган йигитлар энди қушдек енгил тортишди.

Атрофга аллақачон оқшом чўкиб бўлганди. Куёв навкарлар ўтирган машиналар катта йўлдан нур таратиб ўқдек учиб борарди. Ширакайф шофёрлар бир-биридан ўзишга ошиқишар, қалтис ҳазил қилишарди. Бирдан кутилмаганда фожиа рўй берди. Куёв ва унинг дўстлари ўтирган биринчи машина йўл қоидасини бузиб қаршидан ўтиб бораётган юк машинасига келиб урилди. Шофёр йигит ўша заҳоти оламдан кўз юмди. Куёв ва унинг икки ҳамроҳи оғир аҳволда касалхонага келтирилди.

Шум хабар бир зумда бутун маҳаллага тарқалди. Тўй-тўйда қолди. Ҳозиргина шўх ўйин-кулгига тўлиб-тошган хонадонни қий-чув босиб кетди. Хўш, бу фожиа нега рўй берди? Бунга ким сабаб? Аввало ичкилик сабаб. Агар шофёр йигит ичиб рул бошқармаганда бу кўнгилсиз ҳодиса рўй бермасди. Қолаверса, шу вақтгача эскилик сарқитларидан қутула олмаётганимизга ҳам бу фожиа сабабчидир.

Очиғини айтиш керак, тўйдан олдин ЗАГСдан ўтишдаги дабдабалардан ҳамон қутулолмаяпмиз. Баъзан туппа-тузук одамлар орзидан «тўй инсон ҳаётида бир бўладиган нарса, уни шундай ўтказиш керакки, маҳалла-қўй, дўст-душманларим бир умр эслаб юришсин», деган сўзларни эшитиб қоламиз. Лекин ўша «яхши ниятли» кишилар тўй-ю ЗАГСдан ўтиш тадбирларини дабдабага айлантириб қанчадан-қанча кўнгилсизликлар, ноҳуш ҳодисаларга сабаб бўлишаётганини билишмайди.

Ҳозир кўпчилик маҳаллаларда, қишлоқларда ЗАГС маросимини тўй кечасида ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Яқинда ана шундай янгича анъана гувоҳи бўлдик. Эшикдан келин ва куёв кириб келишди. Даврадагилар уларни қувонч билан кутиб олишди. Ҳамма ўз ўрнига ўтиргач, ЗАГС мудири Шариф ака Эшбоев икки бахтли ёшни бу унутилмас кун билан чин юракдан табриклади ва уларга қарсаклар остида никоҳ гувоҳномасини топширди. Энг қулай усул. Ортиқча дабдабабозлик йўқ, ўринсиз харажату исрофгарчилик йўқ. Бунинг устига қанчадан-қанча ортиқча харажатлар барҳам топганини айтмасизми? Бу албатта куёв томонга ҳам, келин томонга ҳам яхши. Истардикки, бу янгича анъана ҳамма жойда қарор топса. Маҳалла активлари, кенг жамоатчилик бир ёқадан бош чиқариб, бу янгиликни ўз истиқомат жойларида кенг жорий этишса.

Тўғри, замонамиз тинч ва фаровон. Одамлар яхши ҳаёт кечиришяпти. Турмушимиз тобора гўзаллашиб борган сари замонамизга ярашмаган айрим урф-одатларимиз ўз-ўзидан эскилик сарқитига айланиб қоляпти. Шундай экан, энди ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлиб қолмоғи керак!

М. КОМИЛЖОНОВ.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

● Дўстлик бебаҳогина эмас, гўзаллик ҳамдир: биз дўстларни ардоқлаган кишинн шарафлаймиз, дўстга бой бўлиш аллақандай ажиб нарсадек туюлади, баъзилар эса ҳатто яхши одам билан дўстни мутлақо бир-биридан ажратмайдилар.

АРАСТУ.

● Агар тақдир одамга саховат кўрсатиб, дунёдаги энг буюк бахтни тортиқ қилмоқчи бўлса, уни садоқатли дўстлар билан сийлайди.

Э. ТЕЛЬМАН.

● Кимки дунёда ўз дўстлари борлигини билмас экан, дунё ҳам уни билиши шарт эмас.

И. ГЕТЕ.

• Илм масканларида

Табиатга муҳаббат

Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг мустаҳкам билим олиши, ҳаётга ва табиатга муҳаббат ҳиссини ошириш ҳақида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVI пленумида таъкидлаб ўтилди. Пленум материалларини ўзларига дастуруламал қилиб олган шаҳримиз мактабларининг педагогика коллективлари ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бермоқдалар. Ёшларни камтар, давримизнинг ажойиб ўғил-қизлари бўлиб етишишлари учун сидқидиллик билан таълим-тарбия ишларини олиб боришмоқда. Қуйида редакциямиз почтасига келган ана шундай хатлардан бирини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Мактабнинг биология ўқитувчиси Ҳуррият Саидова табиат шайдоси. У ёшлар билан ёз бўйи мактабнинг катта ҳовлисида турли тажрибалар ўтказади. Турли дарахтлар, гуллар экиб уларни парвариш қилади. Ёшларни ҳам табиат гўзаллигидан завқланишга ўргатади.

Энг катта синф хонаси намунали биология-зоология кабинетига айлантирилган. Бу ерда қиш бўйи турли анвойи гуллар муаттар ҳид таратиб туради.

Кабинетда турли қушлар ва ҳайвонларнинг тулпларн бор. Юздан ортиқ плакатларда табиат яратган бойлик, гўзалликларга оид тўлиқ маълумотлар сақланади. Бу ерда дарсларни қизиқарли, кўргазмали асосда олиб бориш учун ҳамма имкониятлар яратилган.

Кувончлиси шундаки, йигирма саккиз йилдан бери шу мактабда фидокорона ишлаб келаётган Ҳуррият Саидова ёшларни табиатни севишга ўргатаяпти. Кабинетда аквариумда турли балиқлар боқилмоқда. Ана шу ибратли ишлардан намуна олган мактабнинг кўпчилик ўқувчилари ўз уйларида жонли бурчаклар ташкил қилганлар.

70-мактаб ўқувчилари ҳар йили қушлар, гуллар байрамларида область, шаҳар ва район мусобақаларида қатнашиб келяптилар. Жумладан, табиатни муҳофаза қилиш Тошкент жамияти томонидан Ленин комсомоли номидаги боғида ўтказилган «Қушлар байрами мусобақасида» биринчи ўринни ва дипломни олдилар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи муносабати билан ўтказилган қушлар байрамида ҳам мактаб ўқувчилари актив қатнашдилар, жамиятнинг дипломини ва биринчи ўринни олишди.

С. СУЛТОНОВ, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

ЖАНГЧИ РАССОМ ИЖОДИ

Пойтахтимизнинг «Рассом» комбинатида республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, етмиш ёшли мўйқалам соҳиби Ҳикмат ака Раҳмонов қирқ йилдан бери ижод қилиб келмоқда. У яратган портрет, манзара, натюрморт, композицияли асарлар кўргазма, музей залларида намойиш этилаётир.

Ҳикмат Раҳмонов ўспиринлигида Тошкентдаги бадиий билим юртини тугатиб, 1939—1945 йиллар мобайнида ҳарбий хизматда бўлди. У Ватанни ҳимоя қилишда қатнашди. Украина, Белоруссия фронтларида мардонавор жанг қилди. Унинг кўксини «Қизил Юлдуз» ордени ва бир неча жанговар медаллар безаб турибди. Жангчи рассом уруш ва меҳнат ветеранидир.

Уни ижодхонасида қизғин иш устида учратдик. Рассом Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб бир қатор сермазмун асарлар яратмоқда.

Фронт хотиралари асосида яратган асарларидан бири «Қизлар совғаси» деб аталган. Унда жанг майдони кўзга ташланади. Солдатлар нафас ростлашдан фойдаланиб, ўзбек қизлари юборган совғани баҳам кўрмоқдалар... Хат, мева-чева, дўппи ва қийиқ, қиз сурати ҳам бор. Ўзбек йигити расмни кўриб хат ўқиётган бўлса, рус солдати қизлар юборган қийиқни белига боғлаб, дўппи кийиб, ўзбекча рақсга тушмоқда. Ҳамма шодланиб, қарсак чалаётир. Асарда севги, садоқат, дўстлик руҳи ўз ифодасини топган, Қизлар совғаси жангчиларни ғалаба сари илҳомлантирган, куч-ларига-куч қўшган...

Жангчи рассомнинг «Фронтга совға» асарида ҳам ўзбекистонликларнинг фронтга юборaётган турли совғаларини кўряпмиз. Совғалар республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош ота Охунбобоев раҳбарлигида қабул қилинмоқда.

Ҳикмат Раҳмонов Улуғ Ватан уруши йиллари ота-онасидан етим қолган турли миллат болаларининг ҳаётини ўрганиб «Сен етим эмассан» рангтасвир асарини яратган. Бу асарида ўзбек халқининг болаларга меҳрибонлиги, қардошлик мадади маҳорат билан тасвирланган.

Шу кунларда Ҳикмат Раҳмонов Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига атаб «Солдат жангдан қайтганда» асарини яратмоқда. Катта ҳажмли асарда пахта терими, далада меҳнат қилаётган пахтакорлар, жангдан қайтиб, ҳали ҳарбий кийимини ечмай, севган қизини ахтариб юрган аскар йигит тасвирланган. Рассомнинг мақсади фронт, меҳнат ва муҳаббат мавзуини шу полотнода мужассамлантиришдир. Бундан ташқари, рассом «Мусаффо осмон» картинаси устида ҳам ижодий изланмоқда.

М. АҲМЕДОВ.

• Пойтахт театрларида

«ФИДОЙИЛАР»

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри ижодий коллективи республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Собир Бобоевнинг Зиннат Фатхуллин ва Шукур Саъдуллалар либреттоси асосида яратилган «Фидойилар» операсини саҳналаштирдм.

Мазкур операда 20-йилларда Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва босмачиларга қарши мардонавор курашган инқилоб чавандозлари, ўзбек ватанпарварларининг қаҳрамонона кураши тасвир этилади.

Асарни республика Ленин комсомоли мукофотн лауреати Оқил Узоқов саҳналаштирган. Постановкачи режиссёр авторлар томонидан илгари сурилган ғояни тўла амалга ошириш учун катта меҳнат қилганн спектакль жараёнида яққол сезилиб туради. Унда тарихий қаҳрамонлик мавзуси операннинг замонавий талқини орқали томошабинга етказиб беришга ҳаракат қилинган.

Операни саҳналаштириш давомида актёрларнинг маҳоратини кенг намоён этишга имкон яратилган. Қатор динамик образлар халқ куйларни асосида айтадиган армялар шундан далолат беради.

Томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинган операдаги асосий ролларни республикада хизмат кўрсатган артистлар Ойниса Кучлнкова, Абдулла Бозоров, Ҳамроали Кичимбоевлар билан бирга қатор талантли ёшлар ижро этишган.

Театр коллективи «Фидойилар» операси билан Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган тарихий ғалабасига бағишланган спектакллар намойишини бошлаб берди.

Б. КАРИМОВ.

ҚЎЗИҚОРИН ЕТИШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон сабзавотполиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган технология йил бўйи мўл қўзиқорин ҳосили йиғиштириб олиш имконини беради. Олимлар бинолар ичида қўзиқорин етиштиришда майдаланган сомон, алебастр, бўр, аммиак селитраси ва суперфосфатдан иборат тупроқни қўллашни таклиф этдилар. Бундай тупроқ ҳар бир квадрат метр ердан беш килограммгача қўзиқорин йиғиштириб олиш имконини беради.

(ЎзТАГ мухбири).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ — СВЕТОФОРИ

ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ИНСПЕКЦИЯСИ ХАБАР БЕРАДИ

Ўтган ҳафтада шаҳримизда 62 та йўл-транспорт ҳодисаси рўй бериб, 66 киши жароҳатланди.

Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси (ТТПУ) ҳайдовчиларининг айби билан ўтган йил содир бўлган 64 та кўнгилсиз ҳодисада 76 киши шикастланган эди. Бу ғоят ташвишли рақамлар бошқарма раҳбарлари, инженер-техник ходимлари ва ҳайдовчиларини чуқур мулоҳаза юритишга, аҳволни ўнглаш учун қатъий чоралар кўришга даъват этади.

Кетма-кет рўй бераётган йўл-транспорт ҳодисаларига чек қўйиш учун меҳнат интизомини кучайтириш, транспорт воситаларини эксплуатация қилиш қўлланмаларига мувофиқ бошқариш, йўл ҳаракати қоидаларига тўла амал қилиш керак бўлади. Лекин аччиқ сабоқлардан тўғри хулоса чиқарилмаётганга ўхшайди. Бу йилнинг икки ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бошқарма ҳайдовчиларининг айби билан содир бўлган аварнялар сони салкам икки бараварга ўсди. Хўш, қандай сабаблар билан ташвишли кўрсаткич юқорилаб бормоқда?

1-трамвай депосига қарашли «1516» номерли трамвай ҳайдовчиси Л. Мелихова «Санъат музейи» бекатидан қоидани қўпол равишда бузди. У йўловчилар тўла чиқиб олганига ишонч ҳосил қилмасдан туриб трамвайни ўрнидан қўзғатди. Эшик очилганлигини кўриб трамвай зинасига оёғини қўйган йўловчи А. Абдурашидов қулаб тушди. Шу ўринда трамвайнинг бекатда тўхтаб туриш муддати йўловчиларнинг чиқиб-тушиб олишга улгуришларга эмас, балки ҳайдовчининг хоҳишига боғлиқ бўлиб қолаётган ҳоллар тез-тез учраётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

21 март куни Навоий кўчасидаги 14-уй рўпарасида юз берган ҳодисада бир неча киши жароҳатланди. Бунда 3-троллейбус депосига қарашли «1225» номерли троллейбус ҳайдовчиси Раҳим Абдураҳмоновнинг айби катта бўлди. У троллейбусни катта тезликда бошқаргани сабабли штанга симдан чиқиб кетди ва ўтиб бораётган автобуснинг ён ойнасига зарб билан урилди.

Техник носоз транспортни бошқариш натижасида Энгельс кўчасида ҳам тўқнашув келиб чиқди. 3-трамвай депосига қарашли «3306» номерли трамвай бошқарувчиси Татьяна Мосягина бекатга яқинлашганда тормозни ишга солди. Бироқ тормоз ишламай қолиб, у бошқаргани трамвай бекатда тўхтаб турган бошқа трамвайга урилди. Оқибатда йўловчилардан бири жароҳатланиб, даволаш учун шифохонага ётқизилди.

Йўлларимизда эрта тонгдан то ярим тунгача ҳаракатланаётган юзлаб трамвай ва троллейбуслар ҳам-шаҳарларимизга хизмат кўрсатмоқда. Шу билан бирга бошқарма коллективи ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги нуқсонларга барҳам бериб, пойтахтимиз йўлларида намунали тартиб ўрнатилишига ҳам муносиб ҳисса қўшишлари керак.



Тошкент циркининг ёш артисти Баҳром Мажидов томошабинларнинг эътиборини тортиб келмоқда. У ҳайвон ўргатувчи сифатида цирк саҳнасида турли томошалар кўрсатяпти.

СУРАТДА: ёш санъаткор Б. Мажидов саҳнага чиқишга ҳозирлик кўрмоқда.

ЎзТАГ фотохроникаси.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

11 АПРЕЛЬ, 1985 й.

19 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 ДАН БОШЛАБ ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРЛАРИ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИДА

«ҒАЛАБА»

ИККИ СЕРИЯЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ НАМОЙИШ ҚИЛИШ БОШЛАНАДИ.

Сценарий муаллифлари — В. ТРУНИН, Е. МАТВЕЕВ.
Режиссер — Е. МАТВЕЕВ.

РОЛЛАРДА: А. МИХАЙЛОВ, А. МИРОНОВ, Р. ЧХИКВАДЗЕ, Г. МЕНГЛЕТ, А. МАСЮЛИС ВА БОШҚАЛАР.



Фильм «Мосфильм» (СССР) ва «ДЭФА (ГДР) киностудиялари ҳамкорлигида тайёрланган.

А. Чаковскийнинг «Ғалаба» романи асосида яратилган бу картина бундан 40 йил муқаддам халқаро муҳитни заҳарлашга ва тинчлик ҳамда халқлар хавфсизлиги ғояларининг тантанасини барбод қилиш учун ҳар қандай воситаларни ишга солишдан тоймаган ғарб пропагандасига қарши жамоатчиликнинг тараққийпарвар кучлари олиб борган долзарб кураш проблемаларига бағишланган.

Икки тарихий воқеа фильм мазмунига асос қилиб олинган: уч давлат — СССР, Англия, АҚШ иштирокида 1945 йилда ўтказилган Потсдам конференцияси ва 1975 йилда Хельсинкида бўлиб ўтган Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги бўйича кенгаш асос қилиб олинган. Ана шу иккала воқеа картинанинг бош қаҳрамони, совет журналисти Воронининг кўз олдидан ўтади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ.

ОМОНАТ КАССАЛАРИГА ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР

Фарғона шаҳрида 1985 йил 7 апрелда бўлиб ўтган ютуқли омонатлар бўйича

85-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР-НИНГ БАРЧА ОМОНАТ КАССАЛАРИДАГИ ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА ҚЎЙИДАГИ ҲИСОБ НОМЕРЛАРИГА ЮТУҚЛАР ЧИҚДИ.

Счёт номерлари	Ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача суммасига процент ҳисобида).
А-6	25
А-40	25
А-84	25
А-133	25
А-192	25
А-219	25
А-274	25
А-301	25
А-359	25
А-363	50
А-437	25
А-458	25
А-496	25
А-548	25
А-599	200
А-605	25
А-676	100
А-703	100
А-741	25
А-768	25
А-829	25
А-871	50
А-917	25
А-942	25
А-993	25

Счёт сонлари 1000 дан ортиқ бўлган омонат кассаларида кейинги барча минг рақамли сонлардаги ўша счёт номерлари ҳам ютди, масалан, №№ А-6, А-1006, А-2006 ва ҳоказо; А-1040, А-2040, шунингдек А-1084, А-2084, А-3084 ва ҳоказолар.

Тираж комиссиясининг раиси — Фарғона шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари
Т. Р. ДАДАХОНОВ.

Масъул секретарь
М. Х. ИЎЛДОШЕВА.

ФАРҒОНА ШАҲРИДА 1985 ЙИЛ 7 АПРЕЛДА БЎЛИБ ЎТГАН ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА

3-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР-НИНГ БАРЧА ОМОНАТ КАССАЛАРИДАГИ ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА ҚЎЙИДАГИ СЧЕТ НОМЕРЛАРИГА ЮТУҚЛАР ЧИҚДИ.

Счёт номерлари	Ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача суммасига процент ҳисобида)
В-37	25
В-59	100
В-95	25
В-155	50
В-162	50
В-225	25
В-246	25
В-284	25
В-320	25
В-385	25
В-409	200
В-477	25
В-489	25
В-557	25
В-580	25
В-628	25
В-643	25
В-709	25
В-746	25
В-786	25
В-831	25
В-863	25
В-888	25
В-933	100
В-962	25

Счёт сонлари 1000 дан ортиқ бўлган омонат кассаларида кейинги барча минг рақамли сонлардаги ўша счёт номерлари ҳам ютди, масалан биринчи мингликда, №№ В-1037, В-2037 ва В-3037, шунингдек, В-1059, В-2059, В-3059 ва ҳоказолар.

Тираж комиссиясининг раиси — Фарғона шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари
Т. Р. ДАДАХОНОВ.

Масъул секретарь
М. Х. ИЎЛДОШЕВА.



ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН, 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ЯХНА ИЧИМЛИКЛАР ВА МУЗҚАЙМОҚ СОТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Битирувчилар «ТАШЛИМВОДТОРГ» системасида иш билан таъминланадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, характеристика, меҳнат дафтарчаси, паспорт, 3 дона фотосурат.

ЎҚИШ ДАВРИДА ЎҚУВЧИЛАРГА ОЙИГА 52 СЎМГАЧА СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Полторацкий кўчаси, 61-уй. Телефон: 56-69-82, 56-75-97.

«ТАШЛИМВОДТОРГ»

ЭЛЕКТРОНИКА

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ

Электрон техника буюмлари — конденсаторлар, транзисторлар, резисторлар, ярим ўтказгичли ва вакуумли приборлар ва мураккаб техника воситаларини пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ

Радиодеталлар сотишда устама ҳақ олинмайди.
«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ (телефон 33-68-60).
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/IV да **Тўмарис**, 12/IV да **Театр солисти Г. ТОШБОЕВАнинг ИЖОДИЙ КЕЧАСИ**, 13/IV да **Фауст**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/IV да **Юлдузли тунлар**, 12/IV да **Зебуннисо**, 13/IV да **Фарҳодлар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/IV да **Хотинимнинг эри**, 13/IV да **Тошкентликлар**.

ЦИРК

Тошкент давлат циркида — Тошкентда биринчи марта Р. АКОПЯН иштирокида «ЦИРК, ЦИРК, ЦИРК!» программаси (19.30).

КИНО

11 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАДРДОН УМРАО» — **Санъат саройи** (катта зал, (18.30, 20.45; телефон 44-21-44).

«ЯРАМАСНИНГ ЎЛИМИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, (17, 19.30).

«ТУТСИ» — **Чайка** (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Ватан** (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ШАҲРИЗОДАНИНГ ЯНА БИР ТУНИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ТЎРТ МУШКЕТЁР» — **Восток** (18.30, 21.00).

«СПАРТАК» — **Лисунов номли** (17, 20.00, телефон 96-34-02), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (17, 20.00, телефон 33-44-52).

«МЕН ҚЎРҚАМАН» — **Фестиваль** (17, 19.30; телефон 32-78-02).

«ОВСАР», «ОВСАР ИНСПЕКТОР» — **Ҳамза номли** (18.00, 21.00, телефон 91-10-51).

«ЖАНДАРМ ВА ЎЗГА САЙЁРАЛИКЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

12, 13 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАДРДОН УМРАО» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 44-21-44).

«МУТТАҲАМНИНГ ЎЛИМИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«ТУТСИ» — **Чайка** (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Ватан** (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ШАҲРИЗОДАНИНГ ЯНА БИР ТУНИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ТЎРТ МУШКЕТЁР» — **Восток** (13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

«СПАРТАК» — **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-02), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 14, 17, 20.00; телефон 33-44-52).

«МЕН ҚЎРҚАМАН» — **Фестиваль** (11, 14, 17, 19.30; телефон 32-78-02).

«ОВСАР», «ОВСАР ИНСПЕКТОР» — **Ҳамза номли** (11, 14.30, 18, 21.00; телефон 91-10-51).

«ЖАНДАРМ ВА ЎЗГА САЙЁРАЛИКЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

15, 16, 17, 18 АПРЕЛЬ СОАТ 20.00 ДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган «БАҲОР» ДАВЛАТ ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ РАҚҚОСАЛАРИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
АҲМАДЖОН ШУКУРОВ

Самарқанд область Давлат филармониясининг солисти
НАСИБА АБДУЛЛАЕВА

Самарқанд область Давлат филармониясининг
ЭСТРАДА ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Билетлар Я. М. Свердлов номли концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОССНАБИ ТОШКЕНТ БОШҚАРМАСИНИНГ
ТОШКЕНТ ЁҚИЛҒИ БАЗАСИ
ОМБОРЛАРИДА
АНГРЕН, КУЗБАСС, ҚАРАҒАНДА КЎМИРЛАРИ БИЛАН
ЭРКИН САВДО ҚИЛИНМОҚДА

Ёқилғини уйга марказлашган ҳолда етказиб бериш юзасидан гражданлардан якка тартибда ва Тошкент шаҳридаги корхоналарнинг раҳбарларидан коллектив

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ходимлари шаҳар ташқарисида истиқомат қилиб турувчи ташкилотларнинг раҳбарларидан коллектив буюртмалар юкларни ўзлари ташиб олиш шарти билан 1985 йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига, уйлари газ билан иситилмайдиган шахсий пенсионерлар ва Қаҳрамон оналарга навбатсиз хизмат кўрсатилади.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари, шахсий пенсионерларга кўмир ва ўтин социал хат бўйича белгиланган нормага кўра 50 процент арзон нархларда сотилади.

ЁҚИЛҒИ ОМБОРЛАРИНИНГ АДРЕСИ:

1-2-Ипподромний проезди, 58-уй;
2-Уста Ширин кўчаси, 136-уй;
3-Полевой кўчаси, 52-уй;
4-Сергели посёлкасининг Шимолий саноат зонаси, саноат моллари бозори ёнида.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 125-уй. Телефонлар: 48-46-81, 48-25-62, 91-39-85.

«ПЛАНЕТА»

БАРЧАНИНГ ЮМУШИНИ БАЖАРАДИ



Тошкент шаҳрида Б. Хмельницкий кўчасидаги 85-уйда

ОВОЗ ЭШИТТИРУВЧИ ВА ОВОЗ ЁЗИБ ОЛУВЧИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ АППАРАТУРАЛАР РЕМОНТИ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН

«ПЛАНЕТА» АТЕЛЬЕСИ ОЧИЛДИ

«ПЛАНЕТА» ателъеси чет эллардан келтирилган ва мамлакатимизда тайёрланган аппаратураларни кафолатли ва пулли ремонт қилади.

Магнитофонлар, магнитолалар, магнитофон приставкалари, музика марказлари, усилителлар, акустика системалари ва видеомагнитофонлар ремонтга қабул қилинади.

«ПЛАНЕТА» ателъесига 14-троллейбус, 40, 45, 50, 67, 77, 94-автобуслар билан «Салор» бекатигача борилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

МУТАХАССИСЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА»

ШАҲАР КИТОБ САВДОСИНИНГ

КИТОБ МАГАЗИНЛАРИГА

«Политиздат», «Недра», «Химия», «Музика», «Молия ва статистика», «Лесная промышленность», «Медицина» нашриётлари 1986 йилда нашр этадиган адабиётлари аннотацияли тематик планлари

ОЛИНДИ.

Ана шу планлар асосида китобларга олдиндан буюртмалар қабул қилинмоқда.

Тематик планларнинг биринчи қисмига буюртма кафолатланадиган нашрлар киритилган.

Сизга керакли нашрлар юзасидан буюртмаларни ўз вақтида расмийлаштиришингизни сўраймиз!

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

11 АПРЕЛЬ, 1985 й.

АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Термиз шаҳридаги абонент билан уланиш тартиби ўзгарди.

37622 + номер терилади.

Термизда 23ххх телефонлар нумерацияси ўзгарди.

Справкалар учун телефон 22222.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

СЕРГЕЛИ ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ЗАВОДИ

товар-бетон, 1,2х6,0 м размердаги кўп бўшлиқли плиталар, қум, шағал, ёғоч ўтинларни чекланмаган миқдорда нақд пулга

СОТАДИ

Завод адреси: 700155, Тошкент шаҳри, Сергели райони, Восточная кўчаси, 2-уй (66, 177-автобуслар; 18, 30-маршрут таксиларнинг «Темир-бетон конструкциялари заводи» бекати). Телефонлар: 58-44-08, 58-46-33.

ТВ

пайшанба

11 АПРЕЛЬ

● МТ I

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.10 «Усмирлар ижоди».
16.40 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
17.15 Арфа квартети чалади.
17.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15. С. Рахманинов. «Қоя» симфоник фантазияси.
18.35 «Қайтиш». Мультфильм.
18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнат — жамият — инсон».
19.15 И. Сук. Торли оркестр ижроси учун ёзилган серенада.
20.00 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. Ярим финал. «Рапид» (Вена) — «Динамо» (Москва). Австриядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Космонавтлар ерда туғилишади». Телефильм премьераси.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.25 Давлат академик Шимол рус халқ хорининг концерти.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 Л. Бетховен. «Скрипка ва оркестр ижроси учун романс».
18.55 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.25 «Узингга буюр». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Ю. А. Жуков суҳбати.
21.20 «Тагиль гулдастаси». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 Венгрия Халқ Республикаси артистларининг концерти.
23.30 Мотобол бўйича СССР кубоги. «Автомобилист» (Элиста) — «Ковров».

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Тенгдошларинг ижодидан».
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг».
19.10 «Остонадан ҳатлаб ўт». Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Жаҳонгир Иброҳимов Ўзбекистон композиторларининг асарларини ижро этади.
20.15 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ялла» вокал чолғу ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Сиёсий фильмлар Халқаро симпозиуми». Кинокўрсатув.
23.15 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Кадр ортида». Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар.
19.00 «Бош конструктор». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.

ЖУМА

12 АПРЕЛЬ

● МТ I

Космонавтика куни

9.00 «Время».
9.40 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
10.10 «Ўзингга буюр». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия.
12.15 «Усмирлар ижоди».
12.45 Л. Бетховен. 7-соната.
13.10 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Бутун йил мобайнида». Ҳужжатли фильм премьераси.
16.10 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
17.05 «Рус тили».
17.35 «Таллиннинг музикали манзаралари».
18.00 «Подмосковьенинг агросаноат комплекси».
18.30 «Қалбга яқин қўшиқлар».
19.00 «Осмонни қўриқлаб». Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ҳақида ҳужжатли фильм премьераси. «Совет Қуролли Кучлари» туркумидан.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 МТ ва БР рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.
20.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 8-фильм — «Ҳаёт йўллари».
21.30 «Время».
22.05 Космонавтика кунига бағишланган концерт.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II


9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Ҳар сафар қайта бошидан». Ҳужжатли фильм.
9.35, 10.35 Тарих. 4-синф. «Мен — Совет Иттифоқи гражданиман».
10.05, 14.10 Инглиз тили.
11.05 «Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия. Музика санъат тури сифатида. 1-кўрсатув.
11.40, 12.40 Тарих. 7-синф. Е. Пугачёв раҳбарлигидаги деҳқонлар уруши.
12.10 А. Прокофьев поэзияси.
13.10 Физика. 9-синф. Электромагнитизм қонунлари ва уларнинг қўлланилиши.
13.40 Умумий биология. 10-синф. Экологик системалар.
14.40 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви.
15.10 А. П. Чехов. «Ваня тоға».
15.55 «Санъат — жасоратлар солномаси». СССР халқ рассоми Е. Е. Моисеенко ижоди ҳақида.
16.20 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Ўқитувчига — музика сабоғи». 4-синф. 2-кўрсатув.
19.50 Ритмик гимнастика.
20.20 «Советский воин». Киножурнал.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
21.15 Духовой оркестр чалади.
21.30 «Время».
22.05 Телевизион бадиий фильм премьераси.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Шаталовнинг парвози». Телефильм.
11.00 «Қорқиз». Самарқанд опера ва балет театрининг спектакли (такрорий).
12.00 «Инсон нимаси билан бой». Телефильм.
12.30 Биология. Эволюциянинг асосий йўналишлари.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Алдаркўса». Кўғирчоқ фильм.
18.30 «Ёшлик студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим».
19.00 «Анъаналар ва замонавийлик».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси В. Жонибеков билан учрашуви (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Бўстон» фольклор ансамбли». ЎзССР халқ артисти Раҳима Мазоҳидова иштирок этади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Бахтли бўлишни истасанг». Бадиий фильм.
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Ўқитувчилар учун консультация. Умумий таълим мактабида логопедик ёрдами ташкил этиш (рус.).
18.50 «Бувимнинг сандиғи». Телефильм.
19.00 «Бош конструктор». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Меҳнат интизомини мустаҳкамлайлик».
20.50 «Баҳорги турнир». Телефильм.
21.05 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
21.30 МТ II



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12189. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.